



# XASR

ЎТМОЙ-  
СИЙОСИЙ  
ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан  
чўққа бошлаган.  
E-mail: axborotXlasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR HARAKATI  
— O'ZBEKISTON LIBERAL-  
DEMOKRATIK PARTIYASI  
NASHRI



Конференцияда O'zLiDeP ташаббуси қўллаб-қувватлаб, парламент вакиллари, соҳа олимлари ва амалиётчилар ўртасида уч томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди



Шуманой туманида ўрта қатлам вакилларининг иштироки билангина йил охиригача 2 млрд. 577 млн. сўм ҳажмдаги 42 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилаётир



Россия ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, мамлакатда бойлар ва қашшоқлар даромади ўртасидаги тафовут МДХдаги энг қолоқ давлатлардагидан ҳам икки баробар кўпдир

2011 йил 22 сентябрь, пайшанба  
38 (410)-сон,  
E-mail: axborotXlasr@yahoo.com

3 ИСЛОХОТ

5 ИҚТИСОДИЁТ

7 ХАЛҚАРО ХАЁТ

Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатасининг  
Бюджет ва  
иқтисодий  
ислохотлар  
қўмитасида  
«Тадбиркорлик  
фаолияти  
эркинлигининг  
кафолатлари  
тўғрисида»ги  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Қонунининг  
Навоий  
вилоятидаги  
ижроси  
юзасидан вилоят  
ҳокими  
ўринбосари  
Салоҳиддин  
Самадовнинг  
ҳисоботи  
эшитилди



## Ижро интизоми таъминланади

Маърузачининг таъкидлашича, 2010 йилда мазкур қонун ижроси қатъий назоратга олингани боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидagi улуши 34,4 фоизни ташкил этган. Бу 2009 йилга нисбатан 3,2 фоизга кўпдир

Агар 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари 13889 тани ташкил қилган бўлса, уларнинг 700 таси кичик корхона,

13189 таси эса микро-фирмалар шаклида фаолият олиб бормоқда. — Тижорат банклари томонидан жорий йилнинг олти ойида ушбу соҳани молиявий

қўллаб-қувватлаш учун 90,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилгани натижасида 7644 та янги иш ўрни яратилди, — деди С.Самадов. —

Шунингдек, вилоятда фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда 32 та минибанк, 57 та сув истеъмолчилари уюшмаси, 50 та ёнилғи-мойлаш шохобчаси, 36 та минерал ўғит тарқатиш пункти, 49 та муқобил

машина-трактор парки ҳамда 14 та ахборот-консалтинг маркази аграр соҳа бунёдкорлари га хизмат қилмоқда.

2»»

## Андижонда фармон моҳияти кенг тушунтирилмоқда

Шу кунларда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда

Ушбу мавзудаги дастлабки навбатдаги семинар Марказий банк ташаббуси билан Андижон вилоятида ташкил қилинди.

Маълумки, мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, уларни имтиёзли кредитлаш механизми яратилди.

Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Андижон вилоятида ҳам ишлаб чиқаришни юқори технологик ускуналар билан таъминлашга эришилмоқда. Айниқса, кейинги уч йил давомида ажратилган кредитлар ҳажми кескин ошиб, кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдоси кенгайди.

2»»

## Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланаяпти

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Банго раҳбарлигидаги Хитой Халқ Республикаси парламент делегацияси аъзолари 21 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров билан учрашди

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги алоқалар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар каби кўплаб соҳаларда, жумладан, парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Изчил тараққий этаётган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари икки давлатнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, ўзаро амалий ҳамкорликнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси парламент делегациясининг Хитойга ташрифи икки давлат парламентарлари ҳамкорлигига янги суръат баҳи қўлади.

Музокарада Хитой Халқ Республикаси парламент делегациясининг ушбу ташрифида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштириш жараёнининг мантиқий давоми сифатида қаралиши қайд этилди.

— Ўзбекистон истиқлол йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди, — деди У Банго.

3»»

## «Ишбилармон ўқувчи»лар орасидан O'zLiDeP стипендиантлари танлаб олинди

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврлариданоқ ёш авлод учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг илм-фан чўққиларини эгаллашлари, ўзлари танлаган касб-кор бўйича эркин меҳнат қилишлари учун кенг имкониятлар яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошланди. Бу жараёнда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, турли уюшма ва жамғармалар ҳам фаол иштирок этдилар

Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган ўғитлари эса ёшларга

оид давлат сиёсатининг асосини ташкил этди.

O'zLiDeP ҳам умумдавлат миқёсида амалга оширилаётган ана шу сиёсатни қўллаб-қувватлаш

ва амалга оширишда фаол иштирок этиш учун ўз фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ қатор лойиҳа ва ташаббусларни амалга оши-

ришга киришди. Натижада партия аъзолари орасида ёшлар салмоқли ўрин эгаллай бошлади. 2005 йилдан бошлаб O'zLiDeP ўз ғоя ва мақсадлари асосида тайёрланган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танлови лойиҳасини ҳаётга татбиқ эта бошлади.

Ўтган давр мобайнида фақат вилоятлар миқёсида ўтказиб келинаётган танлов янада оммавийлашиб, кўлами кенгайиб бораётгани ҳисобга олиниб, 2011 йилда мазкур тадбирни дастлаб туман ва шаҳарларда, сўнгра вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказишга қарор қилинди.

3»»

«Келажак овози — 2011»

## Юксак марраларга чорловчи танлов

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози — 2011» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли-

гида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг таълим-тарбия олиши учун барча зарур шароитларни яратиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига улкан эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

3»»

БУГУНГИ СОНДА:

### БУНЁДКОРЛИК

Қарши шаҳрида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида тадбиркорликка қўл ураётган фуқароларга 123942,7 кв.метр ер майдони ажратиб берилди. Йил охиригача 85 та савдо ва умумий овқатланиш корхонаси, 4 та тўйхона, 7 та меҳмонхона, 19 та тикувчилик ва гўзаллик салони, 65 та бошқа тоифадаги хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилади. Бунинг учун 36,5 млрд. сўм маблағ сарфланади.

04»

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI 2011 YIL 20 SENTYABR DAN BO'SHLAB VALYOTA OPERATSIYALARI B'YI'CHА BUXGALTERIYA HISOBI, statistik va boshqa hisobotlarni yuritish, shuningdek, bojxona va boshqa majburiy tuloqlar uchun xorijiy valyotalarining s'umga nisbatan kuyidagi qiyamatini belgilaydi:

1 Австралия доллари ▼ 1785,76  
1 Англия фунт стерлинги ▼ 2737,43  
1 Дания кронаси ▲ 320,10  
1 БАА дирхами ▲ 474,88

1 AQSH dollari ▲ 1744,25  
1 Миср фунти ▲ 292,86  
1 Исландия кронаси ▲ 14,91  
1 Канада доллари ▲ 1772,61


1 Хитой юани ▲ 273,18  
1 Малайзия рингити ▼ 561,66  
1 Польша злотийси ▲ 552,84  
1 СДР ▲ 2751,48

1 Туркия лираси ▲ 978,05  
1 Швейцария франки ▲ 1977,16  
1 ЕВРО ▼ 2389,84  
1 Жанубий Корея вонни ▼ 15,54

1 Япония иенаси ▲ 226,79  
1 Россия рубли ▼ 57,13  
1 Украина гривнаси ▲ 218,76

## Камчиликлардан хулоса чиқарилиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Бухоро ва Навоий вилоятлари мутасаддилари қонунлар ижроси тўла таъминланишига ваъда бердилар



Кахрамон САЙДАЛИЕВ,  
«XXI ASR»

“Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ижроси муҳокама қилинган йиғилишида Юрбощимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да оммавий ахборот воситалари эркинлигини янада ошириш, давлат ҳокимияти органлари очқилгини таъминлаш ва улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилгани алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, мазкур масала қўмитанинг ишчи гуруҳи томонидан Бухоро ва Навоий вилоятларидаги 328 та давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар тизимида атрофлича ўрганиб чиқилди. Йиғилишда қатор идора ва ташкилотларда ахборот хизмати фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланиб, қонун ҳужжатлари ва тегишли ахборотлар веб-сайтларга жойлаштирилган ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани таъкидланди. Шунингдек, ишчи гуруҳи ҳар икки вилоятда ҳам ахборот эркинлигининг асосий принциплари ҳисобланган очқиллик ва ошқоралик, ахборотдан эркин фойдаланиш ва ҳаққонийлик сингари тамойиллар таъминланаётганини эътироф этдилар.

Хусусан, Бухоро вилоятидаги ташкилот, идора ва муассасаларда ахборот хизмат-

ларини ташкил этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилган, вилоят ҳокимлигининг веб-сайти янги ахборотлар билан изчил бойитиб борилмоқда. Ҳокимлик тизимидаги барча бўлим ва бошқармалар ўртасида шахар ва туман

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасида ахборот хизмати ташкил этилган бўлсада, уни юритиш учун махсус ходим ажратилмаган. Бошқарма веб-сайтидаги ахборотларни шакллантириш, жойлаштириш ва янгилашга ҳам

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришни яхшилашга хизмат қилади.

Йиғилишда вилоятдаги 42 та оммавий ахборот воситасининг 14 таси ёхуд 33 фоизи тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгани таъкидланди. Бу кўрсаткич республика миқёсида 54 фоизни ташкил этаётгани ҳисобга олинса, вилоятда нодавлат ОАВ сонини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш лозимлиги аён бўлади. Йиғилишда вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Х.Фойров иштирок этиб, депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Юқоридаги қонунларнинг Навоий вилоятидаги ижроси таҳлиллари ҳам талаб даражасида эканини кўрсатди. Хусусан, ҳокимлик ахборот хизмати томонидан матбуот конференциялари ва брифинглар ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик, уларни керакли ахборотлар билан таъминлаш, идоралар фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрини мониторинг қилиш ишлари белгиланган режа асосида олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимлиги аппаратидаги барча компьютерлар ички ва Интернет глобал тармоғига уланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, вилоятда маҳаллий нашрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Хусусан, ҳокимлик муассислигидаги «Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» газеталарининг умумий тиражи 52 минг нусхани ташкил этмоқда. Бу республика миқёсидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Йиғилишда ана шундай ютуқларга қарамай, Навоийда ҳам айрим камчиликлар аниқлангани таъкидланди. Вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари С.Самадовнинг таъкидлашича, айни кунда ишчи гуруҳи томонидан аниқланган нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. 200 дан зиёд муассаса, ташкилот ва идоралар фаолияти ошқоралигини таъминлаш мақсадида уларнинг веб-саҳифаларини яратиш, ахборот хизматлари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган.

Йиғилиш якунида вилоят мутасаддиларига фуқаролар учун ахборотлар билан танишиб чиқиш имкониятини тўлиқ яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби ҳуқуқий меъёрлар бўйича тавсиялар берилди.

### БУ ЭСА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ЗАРУР МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАР МУРОЖААТИГА ЕТАРЛИ ЖАВОБ ҚАЙТАРИШ ИМКОНИЯТИНИ ЧЕГАРАЛАМОҚДА. НАТИЖАДА ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН ҚАЙД ЭТИЛГАН 291 ТА МУРОЖААТНИНГ БОР-ЙЎҒИ 83 ТАСИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛГАН, ХОЛОС.

ҳокимликлари билан электрон алоқа ўрнатилган. Бу эса ҳокимлик веб-сайтнинг республикадаги энг юқори кўрсаткич (90,7 балл)да ишлашига имкон яратмоқда. Бироқ йиғилишда қонунлар ижросини таъминлашда айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам тилга олинди.

Жумладан, Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси фаолияти ўрганилганда, ижобий ишлар баробарида қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, бошқармада ахборот хизмати ташкил этилмаган. Бу эса ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларини зарур маълумотлар билан таъминлаш ҳамда улар муурожаатига етарли жавоб қайтариш имкониятини чегараламоқда. Натияжада жорий йил бошидан қайд этилган 291 та муурожаатнинг бор-йўғи 83 тасига жавоб қайтарилган, холос.

масъул шахс тайинланмаган. Натияжада веб-сайт фаолиятида узиллишлар кузатилмоқда.

Қўмита ишчи гуруҳи туман ҳокимликлари нашрларининг фаолияти билан ҳам қизиқди. Маълум бўлишича, Ғиждувон туман ҳокимлигининг «Ғиждувон» газетаси саҳифаларида туман ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига оид мақолалар мунтазам эълон қилинмоқда. Аммо уларнинг аксарияти журналистиканинг фақат бир жанрига оид мақолалардир. Мазкур нашр ўз босмаҳонасига эга бўлишига қарамай, унинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётган. Оммавий ахборот воситалари соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш бугунги кундаги энг долзарб вазифага айланган бир пайтда, тахририят ҳам ички имкониятларини тадбиркорликка ҳам йўналтирса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу эса унинг

### Журналистларни нетбук, компьютер ва рақамли фотоаппарат кутмоқда

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди (ЎзННТҚҚФ) томонидан «Нодавлат нотижорат ташкилотлари амалга оширган энг яхши ижтимоий шериклик тажрибаси бўйича» ва «Ижтимоий шериклик бўйича энг намунавий ёритилган мақола учун» танловлари эълон қилинди. Мазкур йўналишдаги материаллар жорий йилнинг 10 ноябрига қабул қилинади. Ҳар икки танловда биринчи ўрин голибларига нетбук, иккинчи ўринга замонавий компьютер, учинчи ўрин соҳибига эса рақамли фотоаппарат тақдим этиш мўлжалланган.

— Танловга келиб тушган материаллар Ассоциация ва Фонд мутасаддилари, соҳа мутахассислари, олимлар ва кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилади, — дейди ЎзННТҚҚФ директори Нодир Саидхонов. — Берилган хулосалар асосида энг яхши мақолалар сараланади. Танлов голиблари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида тақдирланадилар.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, «XXI asr»

### Инчеон учрашувлари

Жанубий Корея Республикасининг Инчеон шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ташкил этилган учинчи глобал БМТ модел конференцияси бўлиб ўтди. 500 нафардан ортик талабалар қатнашган нуфузли анжуманда Ўзбекистондан Жаҳон иқтисодий ва дипломатия, Вестминстер университетлари, Ташкент юридик ҳамда Шарқшунослик институти талабалари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, БМТ модел конференцияси 2008 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаёпти. 2008 йилда Женева, 2009 йилда Куала-Лумпурда ўтказилган мазкур тадбирга жорий йилда Жанубий Корея мезбонлик қилди. Бу галги конференциянинг яна бир муҳим жиҳати унда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун иштирок этди.

Конференция иштирокчилари «Глобал барқарор тараққиётга эришиш» мавзусида ўз резолюцияларини ишлаб чиқдилар. Эътиборлиси, бўлажак дипломатлар қабул қилган мазкур резолюция келгуси йилда Рио-де-Жанейро конференциясида кўриб чиқилади.

Азиз ЭЛМУРОДОВ, Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро муносабатлар факультети талабаси

## Андижонда фармон моҳияти кенг тушунтирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

### Ўз мухбиримиз

Бу борадаги излашлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Хусусан, 2010 йил давомида вилоят тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2008 йилга нисбатан 3 баробарга ўсиб, 178 млрд. сўмга етган.

Маълумки, Президентимиз фармонида тадбиркорлик субъектларига нисбатан тижорат банклари фаолиятининг очқилгини янада ошириш ва либераллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат банкларидан миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун кичик бизнес субъектларидан тўлов ундириш бекор қилинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди, ҳўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив плаستي картчаларидан фойдаланган ҳолда тўлов-

ларни амалга оширишда тўлов терминаллари чеклари бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топириш ҳуқуқи берилди.

Алоҳида қайд этиш лозим бўлган муҳим жиҳатлардан яна бири бу—Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банклари билан ҳамкорликда халқаро молия тузилмалари, хорижий жамғармалар ва банклар билан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан янги технологик усқуналар харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича таъминотни тақдим этиш учун Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларнинг ишлаб чиқилишидир.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда кредит таъминотининг етишмаслиги республикамиз кичик бизнес субъектлари учун муҳим масала ҳисобланади. Бундай муаммо фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас, балки АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида ҳам мавжуд. Мазкур масала уларда Кафолат фонди томонидан кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш механизми орқали ҳал этилмоқда. Хорижий илғор тажрибалари асосида мамлакатимизда ҳам Тадбиркорликни

ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш юзасидан тақлифлар тайёрланаётгани ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янги, замонавий технологиялар асосида ташкил этиш тизимида бўлган минглаб тадбиркорлик субъектларининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириши шак-шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоят банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 237,6 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратиш ва лизинг хизматлари кўрсатиш кўзда тутилган. Амалга оширилган ишлар натижасида соҳага ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, 178 млрд. сўмни ташкил этди.

Умуман, жорий йилнинг саккиз ойи давомида вилоят тижорат банклари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 27,8 млрд. сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 35,2 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 18 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хўнарамандчиликни ривожлантириш учун 2,5 млрд. сўм, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларида 1,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Семинарда Президент фармонининг мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар хусусида атрофлича фикр юритилди.



## Ижро интизоми таъминланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

### Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижроси Навоий вилоятини атрофлича ўрганилганда эришилган натижалар билан бирга айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилгани маълум бўлди, — деди О.З.ЛИДЕР фракцияси аъзоси Муҳаммадjon Турсунов. — Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи идоралар томонидан кўп ҳолларда қонун бузиллишларига йўл қўйилгани

аниқланган. Улар ўз хусусиятига кўра, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ер ажратиш, фуқаролар муурожаатини кўриб чиқиш, лицензия бериш, банк ва солиқ идоралари билан ҳўжалик муносабатлар, руҳсатносиз текшириш ва текшириш тартибини бузиш кабилардир. Шу ўринда вилоятнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салоҳияти юқори бўлишига қарамай, ушбу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши атиги 4 фоизни ташкил этаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда, шунингдек, вилоятнинг айрим ҳудудларида ижтимоий инфратузилмалар етарли даражада шаклланмагани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам таъкидланди. Айниқса, Қизилтепа, Навбахор ва Учқудуқ туманларида тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга етарлича эътибор қаратилмаётган. Мамлакат иқтисодиётида банд аҳолининг 75 фоизни кичик бизнес соҳасига тўғри келаётган бир пайтда Навоийда бу кўрсаткич 56,4 фоизни ташкил этмоқда.

Шунинг учун ҳам қўмита аъзолари олиб борилган ишларни янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз тақлифларини билдириб, Навоий вилояти ҳокимлигига бу борада аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш лозимлигини тавсия этдилар.

Мажлисида муҳокама қилинган масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Қўмита биотехнологиялар истиқболини муҳокама қилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ўтказилган «Аграр соҳага биотехнологияларни татбиқ этиш истиқболлари ва ҳуқуқий жиҳатлари» мавзудаги илмий-амалий конференцияда Президентимизнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори илм-фан ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жараёнида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди



Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

Конференцияда аграр соҳанинг селекция, уруғчилик, чорвачилик, ўсимликшунослик, тупроқшунослик ҳамда сув ҳўжалиги каби тармоқларида биотехнологиялардан фойдаланиш, олимлар томонидан яратилаётган инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш мавзуда қатор маърузалар тингланди.

— XXI аср илм-фани инсониятга юксак технологиялар ва илмий ихтироларни тақдим этаётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди О'зLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Хусусан, кейинги йилларда биология фанида юз бераётган янгиликлар кишлоқ ҳўжалиги, экология ҳамда тиббиётга оид айрим муаммоларга самарали ечим топиш, бу борадаги инновацияларни ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этиш имконини берди. Энг муҳими, гўза геномикаси ва биотехнологиясини ривожлантириш, унинг серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли навларини яратиш, ўсимликларни муҳофаза қилишда биологик усулларни қўллаш бўйича олинган натижалар илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, асримизнинг энг долзарб муаммоси — экологик ўзгаришлар, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви, тупроқ деградациясининг ортиб бориши аграр соҳада биотехнологиялардан унумли фойдаланишни тақозо этаётганига эътибор қаратилиб, био, нано ҳамда инновацион технологияларнинг кенг жорий этилиши, соҳани тараққий эттириш баробарида харажатларни ҳам кескин қисқартириши таъкидланди. Айниқса, Фанлар академияси тизимидаги қатор муассасалар томонидан чорва чиқиндиларидан биоўғит ва биогаз ишлаб чиқариш, экинларнинг ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини оширувчи биостимуляторлар яратилгани иқтисодиётга катта фойда келтирилган.

— Биотехнологиялар — БМТ томонидан XXI аср технологияси, дея расман эътироф этилган ягона йўналишдир, — дейди Полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ходими, кишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди Ноила Вохидова. — Европа Иттифоқи давлатларида биотехнологияларни ривожлантириш мақсадида 2008-2013 йилларга мўлжалланган махсус дастур, АҚШда эса ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини таъминлайдиган федерал қонунлар қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Кейинги йилларда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Япония биотехнологияларни ривожлантириш бўйича муайян натижаларга эришди. Масалан, илк бор 2000 йилда биотехнологияларга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратган Ҳиндистон бугунга келиб мазкур йўналишнинг ўзидан йилга 2 млрд. АҚШ доллари атрофида даромад олмақда. Хитой эса 2020 йилга бориб биотехнологик махсулотлар ҳажмини 500 млрд. долларга етказишни режалаштирган.

Тахлиллар мамлакатимиз аграр соҳасида ҳам биотехнологияларга асосланган илгор ишланмалар муайян натижалар бераётганини кўрсатмоқда. Аммо шунга қарамай, конференцияда соҳага бўлган эътиборни янада кучайтириш талаб этилаётгани таъкидланди.

Маърузалардан кейинги баҳо-мунозаралар чоғида О'зLiDeP фракцияси аъзолари анжуман иштирокчилари эътиборини биотехнологияларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш зарурияти юзага келганига қаратдилар. Уларнинг фикрича, мазкур соҳага оид қонунчилик нормаларининг такомиллаштирилиши биотехнологияларни жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Конференция қатнашчилари депутатлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, парламент вакиллари, соҳа олимлари ва амалиётчилар ўртасида уч томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришга келишиб олдилар.

Анжуман якунида қўмитанинг тегишли хулоса ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

## «Ишбилармон ўқувчи»лар орасидан О'zLiDeP стипендиантлари танлаб олинди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Комилжон ФАЙЗИЕВ,  
Темура АБДУРАҲМОНОВ,  
«XXI ASR»

Мамлакатимиз мустақиллиги кенг нишонланган кунларда Наманган шаҳрида ана шу нуфузли танловнинг якуний натижалари эълон қилинди.

«Ишбилармон ўқувчи» танловининг шаҳар, туман ва вилоят босқичларида 900 дан зиёд касб-хунар коллежларининг 5 минг нафардан ортик талабалари иштирок этгани ва саралаб олинганлар орасидан 42 нафар билимдон ва зукко ўқувчи республика босқичига йўлланма олгани унинг реал натижаларини кўрсатади, албатта.

Танловнинг якуний босқичи Намангандаги энг кўркам ва ҳашаматли иншоот — «Ёшлар маркази»да ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда Наманган шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кенг ва раён йўллари, мухташам коллеж ва лицейлар, замонавий комплекслар водийда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳосиласига айланди. «Ёшлар маркази» эса том маънода янги авлод вакиллари кошонасига айланди. Ҳақли равишда ўқувчи ва талабалар саройи номини олган бино фойеида 42 та академик лицей ва касб-хунар коллежи вакиллари томонидан тайёрланган ранг-баранг ишланмалар кўргазмаси ҳам таширф бурюганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг расмий очилиш маросимида мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари ҳамда хунар эгаллашлари учун

яратилаётган шароитлар алоҳида таъкидланиб, ўқувчиларни мавжуд имкониятлардан янада унумли фойдаланишга, келгусида озод ва обод Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб воёга етишга қаратилган даъватлар янгради.

Шундан сўнг О'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари вакилларида иборат ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларининг фанларни қай даражада ўзлаштираётганлари, тадбиркорлик фаолияти, бизнес режалари, партия ҳақидаги тушунчалари, компьютер саводхонлиги, интернет тармоғидан фойдаланиш тажрибаларини баҳолашга киришдилар.

— Ҳар бир ўқувчи ўз истеъдоди ва қобилиятини намойён этиш учун астойдил ҳаракат қилди, — деди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшанбек Асқаров. — Ёшлардаги билимдонлик, зукколик, ўз фикрини эркин ифода қилиш маҳорати бизни ниҳоятда қувонтирди. Айниқса, Бухоро Давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, тазквондо бўйича нуфузли спорт мусобақалари голиби Маҳбуба Муҳаммадованинг натижалари кўпчилик эътиборини тортди. У ҳайъат аъзоларига Бухоро ҳақида инглиз тилида батафсил маълумот бериб, ўзи туғилиб ўсган Мижона кишлоғи ҳақидаги китобини тақдим этди.

— Очиги, ўқувчиларни бунчалар кучли билимга эга эканликларини тасаввур қилмагандик. Уларнинг аксарияти ҳақиқий истеъдод эгаларидир, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимжон Алимов. — Ай-



ниқса, Учқўрғон педагогика коллежи талабаси Мадина Деҳонованинг чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги, андижонлик Ёдгорой Фанижонованинг «Дилором» тўқувчилик маркази фаолияти, қашқада-релик Фаёза Абдуллаеванинг унутилаётган миллий ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш мақсадида қилинган ишларни, навоийлик Мағфират Тўрақулованинг XVII-XVIII асрда қўлланилган каштачиликни тиклаш йўлидаги фидойилиги, Оҳангарон саноат касб-хунар коллежи талабаси Хуршида Товбоевнинг қурилишда цемент тайёрлашнинг қулай усулини ихтиро қилгани, Тошкент шаҳридан Умида-хон Хусанованинг хотин-қизлар либослари учун тайёрлаган ўзига хос эскизлари, самарқандлик Ҳакима Мирзатмаҳмудова, сирдарелик Зу-

лайҳо Камолиддинова, қорақалпоғистонлик Гулжаҳон Боназарова кабиларнинг ўз бизнес-режаларини ҳимоя қилишдаги фаолликлари ҳайъат аъзоларини ҳайратга солди. Шунинг учун ҳам улар ишини баҳолаш анчайин қийин кечди.

Мусобақаларнинг тантанали якуний қисми Навоий номи вилоят мусикали драма ва комедия театри биносидан ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати совринли ўрин эгаларини эълон қилгани ва уларга эътибор қилишга қаратилган таърифи ҳам қарсаклар оғушида қолди. Шу тариқа, 1 ва 2-ўринларни эгаллаган 28 нафар иқтидорли ўқувчи янги ўқув йилидан бошлаб О'zLiDeP стипендиясини олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шундан сўнг таниқли санъаткорларнинг дилрабо куй ва

қўшиқлари янгради. Қуйлар рақсларга уланди. Ўқувчи ёшлар қалбида, юз-кўзларида қувонч ва шодлик туйғулари балқиди. Улар бу тадбирдан катта таассурот олганликларини, янги дўстлар орттирганликларини қайта-қайта таъкидладилар. Айниқса, фарғоналик М.Солиеванинг дил сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. У ўз тенгдошларини Ватанга садоқатли, билимли, маърифатли бўлишга чақирди. Унинг О'zLiDePга аъзо бўлиш ҳақидаги ниятини эса барча ёшлар қарсаклар билан қўллаб-қувватладилар.

Тантанали маросим якунида О'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари Фуркат Хотамов сўзга чиқиб, ўқувчиларни мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрами билан самимий табриқлади.

## Юксак марраларга чорловчи танлов

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Келажак овози» иқтидорли ёшларнинг республика кўрик-танлови қўллаб-қувватлаш, ижодини халқимиз ва кенг жамоатчиликка яқиндан таништиришда алоҳида аҳамият касб этаётди. Ўтган йиллар мобайнида «Келажак овози»да голиб бўлган ёшлар ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар, санъат ва маданият, оммавий ахборот воситалари каби соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтаётган жорий йилдаги ижодий беллашув доирасидаги тадбирлар қамровининг кенглиги, мазмунан бойлиги ва ранг-баранглиги билан юрти-



миз ёшлари, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ижтимоий ақциялар, медиа-оромгоҳлар, маърифий анжуманлар, форум ва концертларда истиқлолнинг барчамиз учун энг олий ва азиз қадрият экани навиқрон авлод онгу шуурига етказилмоқда.

Бу жиҳатлар кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида ҳам эркин ифодасини топди. Ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабий ижод ва публицистика номинациялари бўйича ўз билим ва маҳоратини намойён этди. Унда пойтахтимизнинг 12 минг нафарга яқин ёшлари қатнашди. Уларнинг 46

нафари шаҳар босқичида голибликни қўлга киритиб, республика босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Туриш политехника университети талабаси Абдулла Болтабоев танловда архитектура ва дизайн номинацияси бўйича иштирок этди. Абдулла тақдим этган лойиҳа маҳаллий хомашё асосида кишлоқ жойлардаги уй-жойларни энергия тежовчи куёш батареялари билан таъминлашдек долзарб масалага бағишланган.

— Бундай танловлар биз, ёшларни янада кўпроқ ўқиб-изланишга ундайди, — дейди А.Болтабоев. — Тенгдошларимизнинг ижоди билан яқиндан танишиб, ёш олим ва иштирокчиларнинг илмий ишларига оид янгидан-янги маълумотлардан хабордор бўлдик.

## Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

— Мамлакатингизда сийсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм сурмоқда, иқтисодий, аҳолининг турмуш даражаси муттасил юксалмоқда. Президент Ислам Каримовнинг шу йилнинг апрель ойида Хитойга амалга оширган давлат таширфи гоёта самарали бўлди. Ушбу таширф чоғида давлатларимиз раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Ўзбекистонга таширфимиздан қўзланган асосий мақсад давлатларимиз раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари, парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб масалалар муҳокама этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати билан Хитой Халқ Республикасининг Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Хитой делегацияси таширфи доирасида, шунингдек, техник-иқтисодий, нефть-газ, кимё, тоғ-қон саноати соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳам қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу кун У Банго раҳбарлигидаги делегация аъзолари пойтахтимиздаги «ОсиётрансГаз» қўшма корхонаси-га таширф буюриб, унинг фаолияти билан танишдилар.

Хитойлик юксак мартабали меҳмон Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейига таширф буюриб, Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди.

## Бунёдкорлик

**ҚАРШИ ШАҲАР ҲОКИМИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ О'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОСИ ШУҲРАТ ТУРСУНОВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ**

Сухбатдош:  
**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
«XXI ASR»


— Шухрат Хамидович, мамлакатимиз жамоатчилиги яқинда мустақилликнинг 20 йиллигини жуда катта кўтаринкилик билан нишонлади. Қаршиликлар бу кутлуг айёми қандай натижалар билан кутиб олдилар?

— Истиклолнинг завқи, сурурини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди, албатта. Бугунги тинч, дорилмон кунларимизга шукроналик ҳиссини ошириш, ҳамшаҳарларимиз қалбига хуш кайфият улашиш мақсадида байрам кунлари вилоят ҳокимлиги кўмагида 62 та маҳалла фуқаролар йиғини, ташкилот, корхона ва ўқув муассасаларида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида юздан ортиқ давра суҳбатлари, маънавий-маърифий, саҳоват ва хайрия тadbирлари ташкил этилди. 847 нафар фуқаролар республикамиз шаҳарлари, турли зиёратгоҳлари бўйлаб саёҳатга чиқдилар. 40 дан ортиқ спорт мусобақалари ўтказиди.

200 га яқин кам таъминланган оиланинг никоҳ ва суннат тўйлари ўтказиб берилди. "Ободлик кўнгилдан бошланади!" шиори остида 35 та кўп қаватли уйлар таъмирдан чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 12 та саннат корхонасида 15 та лойиҳа амалга оширилди. "Паризода" гиламлари хусусий корхонасида бир кеча-кундузда 210 кв. метр гилам, "Ташаббус ҳамкор инвест" масъулияти чекланган жамиятида эса йилга 1 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий цехлар фойдаланишга топширилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" Давлат дастури доирасида саннат, савдо, хизмат кўрсатиш ва коммунал соҳаларни ривожлантиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратишмоқда. Дастурга мувофиқ саннат корхоналарига 15,7 млрд. сўм миқдоридан инвестиция маблағлари жалб этиш, шу орқали 57 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Улар тўла рўйбга чиқарилган, шаҳримизда 1130 та янги иш ўрни яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида тadbиркорликни бошламоқчи бўлган фуқароларга 123942,7 кв. метр ер майдони ажратиб берилди. Йил охиригача 85 та савдо ва умумий овқатланиш корхонаси, 4 та тўйхона, 7 та меҳмонхона, 19 та тикуччилик ва гўзаллик саломи, 65 та бошқа тоифадаги хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилади. Бунинг учун 36,5 млрд. сўм миқдоридан маблағ сарфланади. Шундан 27,3 млрд. сўми корхоналарнинг ўз маблағлари, 9,2 млрд. сўми эса банк кредитларидир. Ёшлар учун 2876 та янги иш ўрни яратилди. Мустақиллик байрами арафасида 42 та маданий-маърифий ишоотлар фойдаланишга топширилди. "Оқ кабутар" хусусий фирмасига қарашли "Агора Қарши" савдо мажмуи худудида 300 та савдо шохобчаси барпо этилиб, 435 та янги иш ўрни яратилди. Тadbиркор Бахтиёр Келдиёровнинг "Машиный хизмат кўрсатиш мажмуеси", Нодир Халимовнинг "Тикуччилик цехи ва кимёвий тозалаш" цехи фаолиятини бошлаган, 35 нафар йигит-қиз ишли бўлди. О'zLiDeP Касби туман кенгаши раиси, тadbир-



кор Насрулло Худойбердиев Қарши шаҳрида "Шамс Нур" савдо мажмуасини очиб, сут ва гўшт маҳсулотлари савдосини йўлга қўйди. "GOLDEN FISH" ва "Осуда" меҳмонхоналари, "Амирбанк"нинг Қарши филиали ўз мижозларини қабул қила бошлашди. Умуман, йил охирига қадар ижтимоий аҳамиятга молик 30 дан ортиқ иншоотларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

— **Тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш айна кундаги устувор вазифалардан биридир. Қарши шаҳрида ҳам бу йўналишдаги тажриба ва изланишлар оз бўлмаса керак?**

— Албатта. Саннат корхоналарида ишлаб чиқаришни бир маромда ушлаб туриш, уларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланишмоқда. Жорий йилнинг ўзида 16 та корхона 8347,9 минг АҚШ доллари миқдоридан қўсма ва жиҳозлар билан таъминланди. Мавжуд 23 та кўшма корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш турларини кўпайтириш учун хорижий сармояларни жалб этишга бирламчи эътибор қаратилаёттир. "Орзу" савдо мажмуаси ва "Нахшаб сохил бўйи" буюм бозорлари фойдаланишга топширилди, шу ҳисобдан 579 та янги иш ўрни яратилди. "Афсона", "Сарбон" меҳмонхоналари ишга туширилди. Маҳаллий ва чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 3 та янги меҳмонхона яқин кунларда тўлиқ ишга туширилади.

Шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. "Қарши ҳамкор транс" шўъба корхонасига 2009 йилда 30 та, 2010 йилда 55 та, 2011 йилда 25 та «ISUZU» русумли замонавий автобуслар келтирилди. Айна кунда улар аҳолининг узогини яқин қилмоқда. Ўтган уч йил орасида 89,6 минг кв. метр ҳажмда яқка тартибдаги уй-жой бинолари барпо этилди. 523 та ер участкаси "ким ошди" савдоси орқали мақбул нархларда сотилди. "Маҳтумқули" маҳалласи, Ўзбекистон, Шибоев, Хонобод ва Мустақиллик шох кўчаларида ёш оилалар учун кўп қаватли турар-жой бинолари курилди. Шаҳардаги кўрсатиш мажмуаси, Нодир Халимовнинг "Тикуччилик цехи ва кимёвий тозалаш" цехи фаолиятини бошлаган, 35 нафар йигит-қиз ишли бўлди. О'zLiDeP Касби туман кенгаши раиси, тadbир-

автомобиль йўллари қайта созулди.

"Бандлик" дастурининг ижросини таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни кўпайтириш, тadbир-

қилаётган аҳолининг аксарияти тadbиркорликка мойил. Тушган 446 та тақлифнинг асосий қисми маҳсулотни қайта ишлаш, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, иссиқхона ва новвойхона фаолиятини йўлга қўйиш, миллий

ободончилик ишларини жадаллаштириш, тadbиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда депутатлар ва фаоллар алоҳида ўрнэк кўрсатмоқдалар. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ри-

биркорлар томонидан ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш цехлари барпо этилди. Партия фаоллари савъ-ҳаракати билан бандлик даражаси ошириб, ламинат доскалар, рангли шиферлар ва акфа эшик-дераза ромлари тайёр-

вий ўйингоҳ, 1200 ўринли спорт манежи, ёпик бассейни айтмайисизми! "Насаф" ва "Геолог" стадионларининг тубдан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳам мамлакатимизда спортга нечоғлик катта эътибор қаратилаётганлигини кўрсатиб турибди. Қаршида республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2006" спорт мусобақалари финал босқичи, республика хотин-қизлар 2-спартакиадасининг ўтказилишида ҳам катта маъно бор.

Ўтган йигирма йил давомида мамлакатимизни дунёга танитиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда спортчиларимизнинг муносиб улуши борлигини фахр билан таъкидламоқ лозим. Авлодлар эстафетасини қўлда бандан кўтариб келаётган қаршилик ёшлар ҳам беллашуларда голибликни қўлдан беришмаёттир. Жорий йилнинг ўзида шаҳримиздан ўндан ортиқ спорт турлари бўйича чемпионлар «кашф» этилди. Бу эса ёшларимизнинг иштирок олишга муносиб тухфаси бўлди, дея олам.

— **Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги, умуман, О'zLiDePдан сайланган депутатлар фаолиятига қандай баҳо берган бўлардингиз?**

— Энг аввало, депутатлик имтиёзи эмас. Балки жуда катта масъулият эканини таъкидлаш лозим. Халқ ишончини оқлаш эса ниҳоятда катта жавобгарликни талаб этади.

Маълумки, Президентимиз Ислоом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» давлат қурилишини тубдан янгилаш, иқтисодийнинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш йўлидаги аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб берган асосий ҳаракат дастури бўлди. О'zLiDeP шаҳар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган тadbирлар давомида ушбу Концепция мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдиришга ҳаракат қилаяпти.

Шаҳримиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлиги ва маъмуриятини таъминлаш, турмуш маданиятини юксалтириш борасида ҳали қиладиган ишларимиз талайгина. Депутатларимиз ва фаолларимиз бу машаққатли вазифани удалаш йўлида куч-ғайратларини аямийдилар, деб ишонаман.

**АЙНИ ПАЙТДА ҚАРШИ ШАҲРИДА 1300 НАФАР О'ZLiDeP АЪЗОСИ БЎЛИБ, УЛАР 83 ТА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ АТРОФИГА БИРЛАШГАН. ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ 345 НАФАРНИ ТADBIRKOP VA ИШБИЛАРМОНЛАР, 554 НАФАРНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР, 275 НАФАРНИ ЭСА ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР КЕНГАШИДА 11 НАФАР ДЕПУТАТИМИЗ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА УЛАР ТОМОНИДАН ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТADBIRKOPЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН БИР ҚАТОР МАСАЛАЛАР КИРИТИЛДИ.**

корликни ривожлантириш, уй меҳнатини ташкил этиш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш диққат марказида тутилаёттир. Айна кунда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони 5 мингтадан ошди. Улар фаолиятини замонавийлаштириш ва такомиллаштириш учун катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда. Тadbиркорлик молиявий жиҳатдан ўз вақтидан қўллаб-қувватланаётганлиги турфайли эҳтиёжбор маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати яхшиланаёттир. "Найман-ЭХ" фирмасида черепица ва пластик қопламалар, "Карпнефтегазтаъмир" масъулияти чекланган жамиятида пишиқ гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. "Ал Саид" хусусий фирмасида идиш қопқоқлари, 250-1000 миллиметр диаметри полиэтилен қувурлар, "Автотракторрадиатор" кўшма корхонасида радиаторлар, "Технополимер" МЧЖда эса подшипник ва втулкалар тайёрланмоқда. Ҳозиргача 30 та корхона томонидан 82280,3 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар жалб этилди ва тadbиркорлик мақсадлари учун йўналтирилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1368 та тadbиркорлик субъекти ўз фаолиятини бошлаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг 1003 нафари яқка тартибдаги тadbиркор, 365 таси эса юридик мақомдаги кичик бизнес субъектларидир. Мустақиллик байрами арафасида 4 та тўйхона, 8 та меҳмонхона, 85 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фойдаланишга топширилди.

Шаҳримизда истиқомат

хунармандчилик ва тикуччиликка оид эканлиги ҳам шундан далолат беради. Ушбу масини ривожлантириш диққат марказида тутилаёттир. Айна кунда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони 5 мингтадан ошди. Улар фаолиятини замонавийлаштириш ва такомиллаштириш учун катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда. Тadbиркорлик молиявий жиҳатдан ўз вақтидан қўллаб-қувватланаётганлиги турфайли эҳтиёжбор маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати яхшиланаёттир. "Найман-ЭХ" фирмасида черепица ва пластик қопламалар, "Карпнефтегазтаъмир" масъулияти чекланган жамиятида пишиқ гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. "Ал Саид" хусусий фирмасида идиш қопқоқлари, 250-1000 миллиметр диаметри полиэтилен қувурлар, "Автотракторрадиатор" кўшма корхонасида радиаторлар, "Технополимер" МЧЖда эса подшипник ва втулкалар тайёрланмоқда. Ҳозиргача 30 та корхона томонидан 82280,3 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар жалб этилди ва тadbиркорлик мақсадлари учун йўналтирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига қулайлик яратиш, уларга намунали консалтинг хизмати кўрсатиш, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоялаш учун барча имкониятлар сарфарб этилмоқда. Шаҳримизда 9 та адвокатлик бюроси ва 2 та солиқ маслаҳати хизмати, 2 та ҳакамлик суди, савдо-саннат палатаси ҳузурда "Ахборот маслаҳат маркази", 1 та лизинг ва 7 та сўғурта ташкилоти фаолият кўрсатаётти. Бу борада ўрнатилган қатъий назорат тизими яхши самара бераёттир.

— **Шухрат Хамидович, О'zLiDeP шаҳар кенгаши фаолларининг иқтисодийнинг юксалтириш, аҳоли маъмуриятини таъминлаш борасидаги ҳиссаси қандай?**

— Шаҳримизда қурилиш-

вожлантириш, жойларда маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ёшларни тadbиркорлик фаолиятига йўналтириш орқали аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш диққат марказида тутилаёттир. О'zLiDeP «Ёшлар қаноти» томонидан ўтказилаётган "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг Қарши шаҳар кенгаши на-обватда босқичида 200 га яқин йигит-қизлар иштирок этиб, ўз билим ва иқтидорларини намойён этдилар. Энг муҳими, улар орасидан иқтидорли мўйқалам соҳиблари, каштачи, дизайнер, ҳайкалтарош ва хунармандлар «кашф» қилинди.

Айна пайтда шаҳримизда 1300 нафар О'zLiDeP аъзоси бўлиб, улар 83 та бошланғич ташкилот атрофига бирлашган. Партия аъзоларининг 345 нафарини тadbиркор ва ишбилармонлар, 554 нафарини хотин-қизлар, 275 нафарини эса ёшлар ташкил этади. Халқ депутатлари шаҳар кенгашида 11 нафар депутат фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида улар томонидан шаҳар кенгаши сессиясига кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан бир қатор масалалар киритилди. Натижада шаҳарда салкам 300 та янги иш ўрни яратилди. 400 га яқин хотин-қизлар йирик саннат корхоналарига касаначилик орқали ишга жойлаштирилган бўлса, икки юз киши оилавий тadbиркорликни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлди. Депутатлар ташаббуси билан шаҳар маҳаллаларида ёш тadbир-

лаш йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари томонидан сайловчиларнинг 50 дан ортиқ ариза ва шикоятлари ижобий ҳал қилинди. Маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро тузилмаларининг масъулиятини ошириш чоралари кўрилмоқда. Депутатлик гуруҳларининг вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаши таъминланган, улар фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни мундарижасида эшитишнинг самарали тизими яратилди.

Умуман, О'zLiDeP фаоллари ёш авлодни Президентимизга, миллатга, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш, партия голяри ва дастурий мақсадларини омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда тadbиркорлик маданиятини шакллантириш йўлида собитқадамлик билан иш олиб бормоқдалар. Бу, шубҳасиз, ўз натижаларини бераётти.

— **Кейинги йилларда шаҳримизда жаҳон кубоги учун беллашулар, йирик спорт мусобақалари ўтказиш аънаанага айланиб қолди. Бунинг учун етарли асослар бўлса керак, албатта.**

— Дарҳақиқат, Қашқадарёда спорт тобора оммавийлашиб бормоқда. Хусусан, шаҳримизнинг 2700 йиллиги муносабати билан ўнлаб замонавий спорт иншоотлари қад ростлади. Олимпия захиралари спорт коллежи эса ўз қамрови ва мезморчилик ечими жиҳатидан мамлакатимизда ягона, десам янглишмайман. Ёки 20 минг ўрилли замона-

## Шуманайнинг шахдам одимлари

Шуманай тумани ҳокими, O'zLiDeP аъзоси Карамитдин АБДИЖАЛИЕВ  
«XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради

Президентимиз раҳнамолигида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг таг-заминида ҳам ана шундай юксак инсонпарварлик гоёси ётади. Туман марказини қўя турайлик. Энг чекка қишлоқ ва овулларимиз аҳолиси ҳам бугун барча қулайликлардан баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, айна кунгача «Тикўзак», «Аюкжап», «Алимжап», «Шоржап», «Жамалжап», А.Мусаев номли ҳамда «Киндикозек» хўжалиқлараро каналларининг 18 ки-

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг таг-заминида ҳам ана шундай юксак инсонпарварлик гоёси ётади. Туман марказини қўя турайлик. Энг чекка қишлоқ ва овулларимиз аҳолиси ҳам бугун барча қулайликлардан баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, айна кунгача «Тикўзак», «Аюкжап», «Алимжап», «Шоржап», «Жамалжап», А.Мусаев номли ҳамда «Киндикозек» хўжалиқлараро каналларининг 18 ки-

қишлоқ мулкдорларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш асосий вазифалардандир. Амалдаги йилнинг ўзида лизинг асосида фермер хўжалиқларига 8 та севлка, «ТТЗ-80-11» русумли чопиқ трактори, икки ярусли 7 та омов ва бошқа хил техника воситалари етказиб берилди.



**ЎРТА ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ БИЛАНГИНА ЙИЛ ОХИРИГАЧА 2 МЛРД. 577 МЛН. СЎМ ҲАЖМДАГИ 42 ТА ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРИШ КЎЗДА ТУТИЛАЁТИР. ШУНИНГ 1 МЛРД. 956 МЛН. СЎМИ (75,9 ФОИЗ) БАНК КРЕДИТЛАРИ БЎЛСА, 621 МЛН. СЎМИ (24,1 ФОИЗ) ТАШАББУСКОРЛАРИНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИДИР. ЮҚОРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ТЎЛА РЎЁБГА ЧИҚҚАЧ, 432 ТА ҚЎШИМЧА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ.**

лометри тўла таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун 31,49 млн. сўм маблағ сарфланди. Фермер хўжалиқлари сармоялари ҳисобидан «Шуманай» каналининг 118-оралигида иккита насос агрегати ўрнатилди. Натижада 280 гектар майдоннинг сув таъминоти тўла изга тушди. Яқин келажакда «Мамийжап» хўжалиқлараро каналининг 68-оралигида ҳам янги насос ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Ушундан янада кўпроқ—588 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имкониятига эга бўлаемиз.

Йил охиригача «Шуманай», «Нурай», «Кетенлар», «Майли озеки» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида 55,43 км. узунликдаги электр ҳаво линиясини, 36 та транспорт шохобчасини тўла таъмирлаш режалаштирилган. Бу иш асосан «Ўзбекэнерго» ДАК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Транспорт хизмати сифатини ошириш мақсадида «Исузу» русумли 10 та замонавий минибус харид қилинди. Айна кунда улар шаҳарлараро мунтазам қатнаб, аҳоли узогини яқин қилмоқда.

— **Маълумки, фермер хўжалиқларини ривожлантириш кўп жиҳатдан уларнинг техника таъминотига боғлиқ. Туманда ушбу масалага муносабат қандай?**  
— Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Шуманайда ҳам

вис хизматини йўлга қўйиш ҳамда мақарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун «Ипотека» банкнинг туман бўлими томонидан «Сердар», «Нарғиза» фермер хўжалиқларига жами 100 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Ана шу ҳисобдан улар ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Ўрни келганда сизга яна бир янгиликни айтишим керак. Кечагина Голландиянинг «Van der Ploeg international» компанияси билан ўзаро келишув шартномаси имзоланди. Шунга асосан ҳадемай туманга 250 бош швед зотли қорамол олиб келинади. Бу йўналишда иш ўринлари яратилади, аҳоли дастурхони янада файзли бўлади, деганидир.

— **Шуманайлик ёшларнинг бугунги фаолияти, меҳнат ва изланишлари ҳақида нималар дея olasiz?**  
— Ўғил-қизларимизнинг маънавий ҳамда жисмоний камолоти ҳақида гапмуҳрилик қилиш бугун умумдавлат даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта. Шунинг билан бир қатор таълим муассасалари 2011 йилги инвестиция дастурига киритилгани туфайли улар асосан давлат бюджети ҳисобидан таъмирланди. Бу ўринда 2-сонли мактабгача таълим муассасаси, болалар мусика ва спорт мактаби, 34-сонли умумтаълим мактаби, қишлоқ хўжалиги коллежини мисол қилиб келтириш мумкин. 7-

сонли мактаб ўқувчи-ёшлари учун янги, замонавий спорт зали қуриб берилди.

Айна кунда тумандаги 13-сонли болалар мусика ва санъат мактабида 162 нафар ўғил-қиз 15 та мутахассислик бўйича таҳсил олмақда. Уларга 28 нафар олий ва ўрта махсус маълумотли педагоглар санъат сирларини ўргатишяпти. Шу йил баҳорда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган ёш ижрочилар республика кўрик-танловида билим даргоҳининг 12 нафар ўқувчиси қатнашиб, улардан 6 нафари ўз йўналиши бўйича юқори ўринларга сазовор бўлдилар. Венера Бердибаева, Нағмет Қашқаров, Айсауле Жумабаева ана шулар жумласидандир.

Мухтасар қилиб айтсак, миллионлаб юртдошларимиз сингари шуманайликлар ҳам истиқлол зиёсидан баҳра олиб, барча соҳада меҳнат кўтаринчилигини авж олдиarmoқдалар.

фат даражасига кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури» бу соҳадаги ишларимизни тубдан ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Дастурга асосан, умумтаълим мактаблари педагогика жамоаларига ўз вақтида малакали касбий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат педагогика университети, Қорақалпоқ Давлат университети ҳамда Нукус Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчиларидан 62 нафари туман мактабларига бириктирилган бўлиб, улар ҳамкасбларига замонавий таълим сирларидан сабоқ бермоқдалар.

Туман халқ маорифи тизимига қарашли бир қатор таълим муассасалари 2011 йилги инвестиция дастурига киритилгани туфайли улар асосан давлат бюджети ҳисобидан таъмирланди. Бу ўринда 2-сонли мактабгача таълим муассасаси, болалар мусика ва спорт мактаби, 34-сонли умумтаълим мактаби, қишлоқ хўжалиги коллежини мисол қилиб келтириш мумкин. 7-

Сухбатдош:  
**Зумрад АБРОРОВА,**  
**Носир ТОШЕВ,**  
«XXI ASR».

## «Fromoda tekstil» катта йўлда



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида далалимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш, ундан тайёр, рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ана шу йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун хомашё— пахта толасини харид қилиш ва етказиб бериш масалаларида қулайликлар яратилгани, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларнинг жорий этилгани бу корхоналарнинг ривожига ҳамда барқарор фаолият юритишга таъминламоқда. Фарғона вилояти Олтириқ туманидаги «Fromoda tekstil» масъулияти чекланган жамиятида айна пайтда 50 хилдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари, жумладан, болалар, эркаклар ва аёллар кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жаҳон стандартларига тўла мос келадиган корхона маҳсулотларининг бир қисми ички бозорда сотилаётган бўлса, асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Маълумотларга қўра, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида «Fromoda tekstil» да тайёрланган 138 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот хориқлик буюртмачиларга етказиб берилган. Юз фоиз пахта толасидан тайёрланаётган корхона маҳсулотларига чет элликлардан буюртмалар қўлайиб бормоқда.

— Ишлаб чиқаришда замонавий дастгоҳлардан кенг фойдаланилмоқда, — дейди корхона раҳбари Авазбек Абдурахимов. — Бу ердаги асосий иш жараёнилари компьютерлашган бўлиб, уларни маҳаллий ёшлар бошқармоқда. Корхонамизда ойига ўттиз минг донна трикотаж маҳсулотлар тайёрлаш имкони мавжуд.

Юз фоиз пахта толасидан тайёрланаётган корхона маҳсулотларига чет элликлардан буюртмалар қўлайиб бормоқда.


— Ишлаб чиқаришда замонавий дастгоҳлардан кенг фойдаланилмоқда, — дейди корхона раҳбари Авазбек Абдурахимов. — Бу ердаги асосий иш жараёнилари компьютерлашган бўлиб, уларни маҳаллий ёшлар бошқармоқда. Корхонамизда ойига ўттиз минг донна трикотаж маҳсулотлар тайёрлаш имкони мавжуд.

Юз фоиз пахта толасидан тайёрланаётган корхона маҳсулотларига чет элликлардан буюртмалар қўлайиб бормоқда.

— Ишлаб чиқаришда замонавий дастгоҳлардан кенг фойдаланилмоқда, — дейди корхона раҳбари Авазбек Абдурахимов. — Бу ердаги асосий иш жараёнилари компьютерлашган бўлиб, уларни маҳаллий ёшлар бошқармоқда. Корхонамизда ойига ўттиз минг донна трикотаж маҳсулотлар тайёрлаш имкони мавжуд.

Юз фоиз пахта толасидан тайёрланаётган корхона маҳсулотларига чет элликлардан буюртмалар қўлайиб бормоқда.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш туриб, қўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди, албатта. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада соҳани янада ривожлантириш учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари юқоридаги қонун ва фармонлар талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорларнинг ҳақ-хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларини олдини олиш, бу борада прокурор назоратини кучайтириш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Шаҳар прокурори фармойишига асосан махсус ишчи гуруҳи тасдиқлашиб, тадбиркорлар билан тез-тез учрашувлар ўтказилаёпти, мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланаяпти. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераётди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 2010 йил 30 июлдаги мажлиси баённомасига асосан шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги, давлат солиқ бошқармаси, ИИББ, СВОЖДЛҚД шаҳар бошқармаси, адлия бошқармаси билан ҳамкорликда аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унинг ижроси қатъий назорат қилинмоқда. Шу асосда жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар билан 213 та учрашув ўтказилди. Уларда қатнашган 16549 дан зиёд тадбиркордан 2094 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 326 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, шаҳар прокуратураси ташаббуси билан жойларда ўтказилган 12 та учрашувда 42 нафар тадбиркорга 7 млрд. 812,7 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари олиши, 284 нафарига янги жамият ташкил қилиш, унинг Низомини рўйхатдан ўтказиш ва бошқа масалаларда ақиндан ёрдам берилди. 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар прокуратурасига тадбиркорлик субъектларидан 33 та ариза ва шикоят келиб тушган. Шундан 4 таси қаноатлантирилди, 1 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Шаҳар прокуратураси органлари томонидан таъмагирилик, хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиб, таъийқ ўтказиш ёки бошқа хил жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан ўз вақтида зарур чоралар қўрилмоқда. Мана, бир мисол. Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚД департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан 2011 йил 23 апрель куни ўтказилган тезкор тадбир жараёнида «Файз шароб савдо» УК раҳбари В.Жуманиёзов «Самма Ultramfrin» МЧЖ раҳбари А. Иброҳимовдан 1168-сонли шартномага асосан алкоголь маҳсулотлари бериш учун 1900 АҚШ доллари ва 187.000 сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтда ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси, 3-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, В.Жуманиёзовга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди ҳамда жиноят иши айблов ҳулосаси билан мазмунан қўриб чиқиш учун судга юборилди.

Таъкиллаш кераки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунларни кенг тарғиб қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Айна масала юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали 139 та (шундан 103 таси телевидениеда, 33 таси радио, 3 таси вақтли матбуотда) чиқишлар қилинган.

Шаҳар прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган 14 та текширув натижаларига қўра, қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича 19 та тақдимнома, ноқонуний қарорларга нисбатан 20 та протест киритилган, 25 нафар шахс интизомий ҳамда 3 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, 209 нафар шахс расман оғохлантирилган бўлса, кўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 12 та жиноят иши қўзғатилган.

Шу ўринда шаҳар прокуратураси мутасаддилари савъй-ҳаракати билан алоҳида бюллетень тайёрлашиб, унда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига оид барча қонун, фармон, қарор ва меъёрий ҳужжатлар мужассамлаштирилганини, яъни схема-жадвал тариқасида берилганини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, бюллетеннинг «CD» форматдаги электрон шакли ҳам хизмат жараёнида фойдаланиш учун қулайликлар тўғдирмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Зеро, бу прокуратура идоралари зиммасидаги асосий вазифалардан биридир.

Бош прокуратура матбуот хизмати.



**КОРАКАЛПОФИСТОН.** O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Чимбой туман ҳокимлигида ўтказилган «Фермерлик тараққиёти — фаровонлик манбаи» мавзусидаги учрашувда Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, банк, молия ва солиқ идоралари ходимлари, партия фаоллари — тadbirkor ва фермер аёллар иштирок этишди.

Тadbirkor жойларда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш имкониятлари ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Таъкидланганидек, тadbirkor ва фермерлар манфаатларини қафолатли ҳимоялаш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай муҳит яратилишига эришиш партиянинг устувор вазифаларидан биридир. Бинобарин, жойларда ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш, банк-молия муассасалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, тadbirkorлик ва фермерлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга барча шарт-шароитни яратиб бериш, уларнинг сиёсий бимилларини ошириш диққат марказида бўлиши лозим.

— Айни кунда хотин-қизларимиз ислохотларнинг фаол иштирокчиларига айланишган, — дея таъкидлади ўз чикшида Қораўзақ тумани «Гулистон» фермер хўжалиги раҳбари Г.Жарилкаганова. — Уларнинг фидокорона меҳнати ўз самарасини бермоқда. Фермер хўжалигимизда 13 киши иш билан таъминланган. 172 гектар майдонда пахта, галла ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, аҳоли дастурхонига тортиқ этаётганимиздан хурсандимиз.

**ЖИЗЗАХ.** Ҳозирги кунда ким ўз сиёсий билимини ошириб бурса, тadbirkor ва ундабурон бўлса — мақсадига тўлиқ эриша олади. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит мавжуд. O'zLiDeP вилоят кенгаши ва вилоят Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган семинар-тренингда ана шулар ҳусусида фикр юритилди. Унда ишбилармон доиралар вакиллари, корхона раҳбарлари, иқтидорли талаба ёшлар иштирок этишди.

Маълумки, республикада япон тили ва маданиятини чуқур ўрганиш, ушбу мамлакат ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни хоҳловчилар кўп. Шу мақсадда Ўзбекистон — Япония маркази фаолияти йўлга қўйилган. Семинарда сўзга чиққан марказ вакили М.Баҳодиров ушбу муассасанинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бераркан, асосий эътиборни бозор, реклама, талаб ва таъриф, рақобат масалаларига қаратди.

Ўзаро савол-жавоб, кўргазмали қуроллар асосида ўтказилган тadbirkor тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди.

**КАШКАДАРЁ.** O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Яқкабғ туманидаги «Яқкабғ» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида «Одам савдосига қарши кураш — долзарб вазифа» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Таъкидланганидек, халқ тинчлиги, юрт осойишталиги бугунги кундаги устувор вазифалардан биридир. Зеро, жажон бўйлаб қора қучларнинг ғаламислиги авж олаётган бир шароитда хотиржам бўлишга асло ҳаққимиз йўқ. Тинчлик — энг улғун неъмат. Уни асраб-авайлаш биринчи галдаги бурчимиздир.

Афсуски, мўмай даромад илнжида хорижга йўл олаётган айрим юртдошларимиз қуллик домига тушиб қолаётганликлари ҳам сир эмас. Бинобарин, одам савдосига қарши курашиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш талаб этилади. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг ўзида тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиб, яхшигина даромад топиш ва бемалол рўзгор тебратиш мумкин.

Тadbirkor O'zLiDeP Яқкабғ туман кенгаши раиси М.Қулбулов сўзга чиқиб, 20 йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар, уларнинг моҳияти ҳақида фикр юритди.

Давра суҳбати савол-жавоблар билан яқунланди.

**НАВОИЙ.** Карманалиқлар Бағир Фармоновни тadbirkor инсон сифатида яхши билишди ва хурмат қилишди. Зеро, у «Кармана авто савдо» кичик корхонасининг раҳбари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати сифатида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Корхонада қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, 2010 йилда Хитой давлатидан янги замонавий технология келтириб ўрнатилди. Айни кунда бу ерда 16 киши доимий меҳнат билан банд.

Халқ дардига малҳам бўлишга интилаётган ёш, ташкилотлар депутат ўз фаолияти давомида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор муаммолар ечимини топишда яқиндан кўмаклашмоқда. Айниқса, электр энергияси, ичимлик сув, газ таъминотини яхшилаш йўлида куч-ғайратини аямаетир.

**ТОШКЕНТ.** O'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан 178-мактабда «Маҳаллани оилавий бизнес ва тadbirkorлик марказига айлантириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ишбилармон доиралар вакиллари ва маҳалла аёллари иштирок этишди.

Тadbirkor сўзга чиққан депутатлар «Оилавий бизнес тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мақсад ва вазифаларига тўхталиб, аёлларнинг бугунги иқтисодий ислохотлар жараёнидаги фаолигини ошириш, уларни тadbirkorликка кенг жалб этиш учун жойларда зарур шарт-шароит яратиш, хусусан, ёш қизларнинг интилиш ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлашди.

Давра суҳбатида «Микрокредитбанк» бошқарув раисининг маслаҳатчиси, иқтисод фанлари доктори А.Қодиров иштирок этиб, банк-мижоз ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш омиллари ҳусусида фикр юритди ва тушган саволларга жавоб қайтарди.

**Фаррух МИРЗАЕВ,**  
Самарқанд вилоят  
хўжалик суди  
раисининг ўринбосари

Натижада тadbirkorлик билан шуғулланиб, ҳам оиласи равнақи, ҳам юртимиз иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшаётганлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Масалан, Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган тadbirkorлик субъектлари сони жорий йилнинг биринчи ярмида 12272 тани ташкил этди. Уларнинг иқтисодий ҳиссаси эса 68,6 фоизга етди.

Бирок, шунга қарамай, барча тadbirkorлар ҳам ўз фаолиятларини қонуний асосларда олиб бораётганлар, деб бўлмайди. Буни турли назорат идоралардан хўжалик судларига келиб тушаётган даъво аризалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Лекин ўрни келганда нуфузли назорат органлари ҳам айрим ҳолатларда судга даъво аризалари билан мурожаат этиш қонунқоидаларига тўлиқ риоя этмаётганлар.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Самарқанд вилоят хўжалик судига тadbirkorлик фаолияти билан боғлиқ жами 603 та даъво аризаси тушган бўлса, уларнинг 222 таси тadbirkorлик субъектлари фаоли-

тини тугатиш, 364 таси молиявий санкциялар қўллаш, 9 таси корхоналарнинг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш, 1 таси тadbirkorлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш рухсатномасининг амал қилишини тугатиш-

лик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафавитлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик мuddати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорда, бироқ белгиланган тўлов мuddатида тўланиши ло-

марказидаги «Самарқанд шодийнаси» шўба корхонаси ҳудудида фаолият юритаётган яқка тартибдаги тadbirkor Шокиржон Қосимовга қарашли савдо дўқонида солиқ ходимлари қисқа мuddатли текшириш ўтказиб, назорат-касса машинаси ишлатилмагани, кирим ҳужжат-

мажлисига келмаган, 1 та ҳолатда эса даъво ариза ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан имзоланган. Масалан, Нарпай туман давлат солиқ инспекцияси мурожаатида «Нарпай Юнус Даврон» хусусий корхонасига нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддаси 1-қисмига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробари миқдорда молиявий жарима қўллаш сўралган. Бирок инспекция даъво аризаси билан бирга жавобгарга жаримани ихтиёрий тўлаш тўғрисидаги солиқ органи қарори тақдим этилгани тўғрисидаги далилларни тақдим этмаган. Бу камчилик низоми судга ҳал қилиш тартибига риоя этилмаган, дея баҳолади ва кўрмасдан қолдирилди.

Амалдаги қонунларга кўра, корхона ўз фаолиятини тугатаётгани тўғрисида матбуотда хабар берилгандан сўнг уч ойдан кейингина белгиланган тартибда бу тўғрида судга ҳужжат тақдим қилиш мумкин. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан судга киритилган даъво аризасида бу талабга амал қилинмаган. Яъни, ҳокимлик «SALAXOV SERVICE LUX» хусусий корхонаси кўпдан бери фаолият юритмаётгани учун суддан унинг фаолиятини тўхтатишни сўраган. Ваҳоланки, корхонада тугатиш жараёни бошлангани тўғрисидаги ёшлон матбуотда чоп этилганидан сўнг орадан икки ой ҳам ўтмаганди. Бу эса судга ҳал қилиш тартибига амал қилинмаганини тасдиқловчи ҳолатдир.

Шу ўринда хўжалик судлари фаолиятида иш юритишни тугатиш ҳоллари ҳам ўраётганини таъ-

кидлаш мумкин. Масалан, вилоятда ушбу йўналишда 8 та хўжалик иши бўйича иш юритиш тугатилган бўлиб, битта ҳолатда низо хўжалик судига тегишли бўлмагани, 5 тасида жавобгар фаолиятини тўхтатгани, 2 тасида эса даъвогар ўз даввосидан воз кечгани иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаришга сабаб бўлган. Бунга Самарқанд шаҳар солиқ инспекцияси берган даъво аризасини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Унда хусусий тadbirkor Шавкат Алимовга нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик баравари миқдорда молиявий жарима қўллаш сўралган эди. Суд жараёнида тadbirkor гувоҳномасининг амал қилиш мuddати тугагани маълум бўлди. Кўриниб турганидек, низо хўжалик судига тегишли эмас.

Юқоридаги мисоллардан аён бўлаётки, тadbirkorлар кўпинча судга солиқ инспекцияларининг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги даъволари юзасидан жавобгар тариқасида қатнашмоқдалар. Лекин ушбу даъволарнинг ҳаммаси ҳам қаноатлантирилмапти. Чунки аризани ўрганиш жараёнида жавобгар ҳақлиги аён бўлади. Бундан кўринадики, тadbirkor тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни тўлиқ ўрганиб, уларга қатъий риоя этса, назорат идоралари текширувларидан чўчимай ўз фаолиятини эмин-эркин давом эттираверади. Даъвогар идора нуфузи қанчалик баланд бўлмасин, унинг даъвоси суд томонидан рад этилади.

## ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ОЛТИ ОЙИ ДАВОМИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИГА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАМИ 603 ТА ДАЪВО АРИЗАСИ ТУШГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ 222 ТАСИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ, 364 ТАСИ МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР ҚЎЛЛАШ, 9 ТАСИ КОРХОНАЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ, 1 ТАСИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ РУХСАТНОМАСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТУГАТИШГА ОИД ДАЪВОЛАРДИР

га оид даъволардир. Мисол тариқасида давлат солиқ инспекциясининг Қўшработ туманида фаолият юритаётган «Эргаш Жуманбулбул ўғли» хўжалигидан Солиқ кодексининг 115-моддасига кўра, 7160590 сўм молиявий жарима ундириш ҳақидаги даъво аризасини келтириш мумкин. Унда юқорида зикр этилган қонунга мувофиқ тadbirkorдан йирик миқдорда молиявий жарима ундириш талаби қўйилмоқда. Лекин Солиқ кодексининг 15-моддасида «Солиқ тўловчининг — жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганда кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаган-

зим бўлган тўлов миқдориде тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумманингни ўн фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиниши белгиланган. Ширкат раҳбарларига нисбатан эса юқоридаги қонунда кўрсатилганидек, бир йил муратидан ҳисобот тақдим этмаганлари учун ҳеч қандай маъмурий жазо қўлланилмаган. Бу эса солиқ идорасининг судга берган даъво ҳужжатларини рад этишга асос бўлади.

Худди шунингдек, жавобгар жарима суммасини суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилинганга қадар тўлагани ҳолатларида ҳам молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги даъво аризалари рад этилади. Масалан, вилоят

лари бўлмаган маҳсулотлар сотувга қўйилганини аниқлайдилар. Солиқ инспекцияси тadbirkorга 2402310 сўм миқдорда молиявий жаримани ихтиёрий равишда 30 кун мuddат ичида тўлаш мажбуриятини юклайди. Молиявий жарима вақтида тўланмаган, солиқ ходимлари судга даъво аризаси билан мурожаат этадилар. Тadbirkor жаримани иш судда кўрилгунга қадар тўлагани тўғрисида ушбу даъво ҳам рад этилди.

Ўтган олти ой мобайнида ана шундай ҳолатлар юзасидан жами 32 та даъво қўрилмай қолдирилди. Сабаби — 14 та ҳолатда даъвогарлар низоми судга ҳал қилиш тартибига риоя қилмаган, 17 тасида даъвогар вакиллари суд

### ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — КИШЛОҚДАГИ ХАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

## «Қалдирғоч»лар

Мустақилликнинг дастлабки йилларида «қалдирғоч» фермерлар сафида иш бошлаган «Нурли Агро» фермер хўжалигига таниқли тadbirkor Эргаш Мамадалиев узок йиллар раҳбарлик қилган бўлса, бугун ушбу фермер хўжалигини унинг ўғли Рашидбек Мамадалиев бошқармоқда

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**  
«XXI ASR»

— Дастлаб хўжаликни бошқаришга юрагим дов бермаган эди, — дейди Рашидбек. — Чунки хўжалик ишчи-хизматчилари, қолаверса, масъулият ва жавобгарлик ниҳоятда улкан эди. Кўпчилик «бу йигит элпай олармикан», деган шубҳага боргани ҳам рост гап. Аммо «кўз кўржик, қўл ботир», деб бежиз айтишмаган экан. Болалигимдан отамнинг ёнида, дала қўйнида ўсганим иш берди: тез орада янги вазифаларимга кўникиб кетдим. Ёшлигим боис мендан ҳамма янгича ёндашув куларди. Аввало, ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муносиб тақдирлашни йўлга қўйдим. Натижада деҳқонларда ўз ишига қизиқиш кучайди.

Бугун 48 гектарга пахта, 58 гектарга галла эканмиз. Меҳнатларимиз зое кетмади чоғи, ўтган йили ҳар гектардан 42 центнердан «оқ олтин» йидик. Бу йил галлачиликка ҳам ҳосилдорлик ёмон бўлмади: гектарига 65 центнердан


буғдой йиғиштириб олдик. Натижада йилни 55 миллион сўмлик соф фойда билан яқунладик. Айни дамларда пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, йиғиштириб олиш ҳаракатидамыз. Ҳосилнинг чўғини белгиловчи август ойини кўнглидагидек ўтказдик. Боиси, бу даврдаги энг ноизқ суғориш ва озиклантириш масаласи ҳал этилади. Кўп суғоргангиз ғўза говлаб кетади, аксинча бўлса, гулини тўкиб юборади. Сувчилар ва агрономимизнинг билим ва тажрибаси бу мавсумда ҳам иш берди: барча агротехника тadbirkorларини ўз вақтида ва меъёрида ўтказдик. Ҳадемай пахта йиғим-теримига киришамиз. Бу йил 45 центнердан ҳосил қўзлаб турибмиз.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Жўравой Махаматов ҳам истиқлол «қалдирғоч»ларидан — у 1994 йилда чорвачиликка ихтисослашган «Роҳатой» фермер хўжалигини ташкил этган. Жўравой фермер ўз муваффақиятлари сирини бошқача изоҳлайди: — Кўпчилик яхши натижага эришишининг ягона омилли — қаттиқ меҳнат, деб ҳисоблайди. Аммо бу масалага менинг қарашим ўзгача, — дейди Ж.Махаматов. — Муваффақият галлови кўп иш қилишда эмас, балки тadbirkor билан

иш юритишда. Иккита қорамолни ҳовлига боғлаб, ёки иккита қўйни олдига солиб, йиллаб бемалол ва меҳнат сарфлаш ҳам мумкин. Аммо ишнинг кўзини билган одам, аввало, чорванинг наслига эътибор беради. Худди бола тарбиясига у туғилмасдан киришилганидек, яхши чорвадор ҳам эздор молни боқиб баракка топишини билади. Маҳсулдорлиги чекланган зоти паст молга қаровани ҳар қанча зўр қилсангиз ҳам ортиқ натижа бермайди.

Айни пайтда фермер хўжалигимизда 350 бош қорамол парвариш қилинаётган бўлса, уларнинг аксарияти наслдор моллар. Соғин сигирларимиз 130 бош. Уларнинг ҳар бири ҳар соғимда 10 литрдан сўт беради. Маҳсулдорнинг асосий қисми вилоятдаги шифохона, санаторий, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ошхоналарига жўнатилади. Органини бозорларда сотамиз.

Бундан ташқари, чорванинг «ейиш-ичиши»га ҳам бефарқ бўлмаслик керак. Ем-хашак тўйимли ва витаминларга бой бўлса, сўт миқдори кўпайиб, ёғлилик даражаси ортаверади. Ана шундан келиб чиқиб, хўжалигимизга тегишли 100 гектар ерга беда, жўҳори ва лағлажа экиб, озуқа базасини шак-



### Йилига 220 миллион дона таблетка

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналари арафасида Термиз шаҳрида «Novofarm» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга туширилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги ахборот хизматининг хабар қилишича, 2 миллион АКШ долларидан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган корхонада йилига 220 миллион дона 60 турдаги таблетка ҳамда капсула ишлаб чиқарилади. Эътиборли томони шундаки, 25 нафар кишининг бандлиги таъминланган «Novofarm» маҳсулотларининг асосий қисмини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Маълумотларга кўра, қўшма корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, бу ерда меҳнат қиладиганлар сони 125 нафарга етади.

Хўжалик тadbirkor ва ишбилармонлар!  
**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРАКАЗИ**  
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятини турли ноқонуний аралашулар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.  
Фавоитингизда бирор муаммо юзга келса, сизга иккилашмай бизга мурожаат этинг!  
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасу-6 д.х.с.и 19-й.й.  
Тел: 0 (871) 265-90-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

## Инқироз давом этмоқда

Россия ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, мамлакатда бойлар ва қашшоқлар даромади ўртасидаги тафовут МДҲдаги энг қолоқ давлатлардагидан ҳам икки баробар кўндир. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда

### Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Халқаро экспертлар жаҳон молия бозоридаги нотинчликларни тилла нархининг ошиб бораётгани, доллар асосий валюта сифатидаги «мавқеи»ни бой бераётгани дунёда бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги тафовутнинг ошиб бораётгани билан изоҳламоқдалар. Шу боис оммавий ахборот воситалари яна глобал иқтисодий ва молиявий қийинчиликлар, айни масалага оид учрашувлар ва анжуманларга эътибор қарата бошладилар. Зеро, йирик сиёсатчилар ва таниқли иқтисодчилар иштирок этаётган нуфузли тадбирларда янграётган молиявий инқироз ҳамон давом этаётгани, унинг янада чуқурлашиб бориши мумкинлиги хусусидаги мулоҳазалар ҳақли равишда жаҳон афкор оммасини хавотирга солмоқда.

Таъкидлаш жоиз: илгари Америка молиявий элитаси орасида ҳозирдагидек катта келишмовчиликлар юз бермаган эди. Бу эса яна бир бор долларнинг халқаро молия бозоридаги маъқеи билан боғлиқ қарашларни шубҳа остига қўйиши мумкин. Мазкур муаммо Америка федерал захира тизимининг акцилинқироз харажатлари 2 триллион, ҳукумат харажатлари билан қўшиб ҳисоблаганда 3 триллион доллардан ошиб кетгани билан ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, инқироз тўхтаганига қарамай, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ниҳоятда пастлигича қолаётди. Тахминларга қараганда, 2011 йилги ўсиш 2 фоиздан ҳам ошмайди. Мутахассислар уй-жой бозорида ҳам ижобий томонга ўзгариш кузатилмади, ишсизлик эса 9,5-10 фоиз ўртасида эканини таъкидламоқдалар. Шу боис Америка президенти давлат бюджетидеги камомадни пасайтириш мақсадида янги солиқ дастурини эълон қилди. Унга кўра, йиллик даромади бир миллион доллардан ошадиган америкаликлар кўпроқ солиқ тўлаши керак. Ана шунда ҳазинага қўшимча 1,5 триллион доллар миқдоридеги маблағ келиб тушади. Ушбу режага мулти-миллиардлар, дунёдаги энг бадавлат шахслардан бири (ғоя муаллифи) Уоррен Баффетнинг номи берилган. Баффетнинг фикрича, ҳозирда у сингари бой америкаликлар ўртаҳол фуқароларга нисбатан анча кам солиқ тўлаяптилар.

— Мамлакат иқтисодий жиҳатдан қийналаётган бир пайтда ўзига тўқ кишилар жамият равишда учун ҳар доимидан ҳам кўпроқ ҳисса қўшишлари керак, — дейди Баффет.

Лекин ушбу режага қарши чиқаётганлар ҳам оз эмас. Шу ўринда Обаманинг муҳолиф партия, яъни республикачилар талабига биноан ички сарф-харажатларни ҳам камайтиришга бел болаганини таъкидлаш жоиз. Агар шундай йўл тутилса, пенсионерлар ва молиявий ҳимояга муҳтож фуқароларга бериладиган ижтимоий ёрдам миқдори пасаяди. Хусусий сектор эса бир қатор имтиёزلардан маҳрум бўлади.

— Сердаромад нефть компанияларини қачонгача эркалатамиз? Мамлакат бўйлаб бунёдкорлик ишларига зўр бериб, минглаб иш ўринлари яратиш учун етарли даражада маблағ керак. Мултимиллионер ва мулти-миллиардлар кўпроқ солиқ тўламасалар, кичик бизнес эгалари ва ўртаҳол америкаликлар қийналардилар, — дейди

президент Барак Обама.

Шу ўринда иқтисодий инқироз шўролар империяси парчаланганидан бери ҳали ўз «қадди»ни тўлиқ тиклаб олишга улгурмаган Россияни ҳам оғир аҳволга солиб қўйганини таъкидлаш жоиз. Россия Ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, мамлакатда бойлар ва қашшоқлар даромади ўртасидаги тафовут МДҲдаги энг қолоқ давлатлардагидан ҳам икки баробар кўндир. Мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Европада ҳам ана шундай қайфият ҳукмронлик қилаётганига эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари раҳбарларининг эътибори яна

лиқчилар агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, 2012 йилга бориб давлат қарзи иқтисодий ҳажмининг 130 фоизига етиши мумкинлигини бежиз таъкидламаяптилар. Шу ўринда Афина учун яна бир қўшимча қийинчилик — бу бюджет ва савдо сальдосидаги салбий ҳолат саналмиш «қўш тақчиллик» эканини унутмаслик лозим. Аксарият кузатувчилар мамлакат савдо балансининг ҳам анчадан бери минусда турганига эътибор қаратмоқдалар. Биргина 2008 йилда у 51 миллиард АҚШ долларига ёки ЯИМнинг 14 фоизига тенг даражада пасайди. Рақамлар тили билан айтганда, Грециянинг ташқи қарзи 550 миллиард доллардан ошиб кетгани ҳолда унинг камида 300 миллиарди давлат сектори-

### ЯҚИНДАГИНА ГҲЁ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ БИЛАН СОБИҚ ИТТИФОҚ МАМЛАКАТЛАРИНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН УШБУ ДАВЛАТЛАРНИНГ БУТУНГИ АҲВОЛИ УЛАРНИНГ ҲАМКОРЛАРИНИ ҲАМ ЖИДДИЙ ТАШВИШГА СОЛМОҚДА. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ҒАРБ МАТБУОТИ «БОЛТИҚ ЙЎЛБАРСИ» ЖАРЛИК ТОМОН САКРАБ, ҚУЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА, ДЕЯ БЕЖИЗ БОНГ УРМАГАН КЎРИНАДИ.

«янги грек фожиаси» ёки Эллададаги молиявий-иқтисодий вазиятга қаратилганини таъкидлаш мумкин.


Маълумки, Греция узок вақт Ғарбий Европадаги энг қолоқ ва қашшоқ давлат бўлиб келган. Илгор мамлакатлар қаторига қўшилган, унинг иқтисодиёти изга тушиши мумкин, деган қарашлар билан 1981 йили ЕИга қабул қилинган эди. Албатта, ушбу ишонч юнонларга муваффақият келтирди. Мамлакат қисқа муддатда иқтисодиётини модернизациялаш ва фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилашга эриша олди. Яқин 30 йил давомида эса яқин ички маҳсулот 8 баробар ўсди. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор, деганларидек, мутахассислар ялпи ички маҳсулотда давлат улуши 30 фоизни ташкил этадиган бу мамлакатда четдан қарз олиш сиёсати иқтисодий ўсиш воситасига айланганини очик-ойдин эътироф эта бошладилар. Аслида Греция ЕИнинг аксарият мамлакатлари сингари асосан қарз ҳисобига кун кўриб келган бўлса-да, аммо бюджет тақчиллиги микёси бўйича аллақачон китъанинг барча давлатларини орта қолдиргани ҳеч кимга сир эмас. Маълумки, ЕИ ўз аъзоларидан бюджетнинг даромад ва харажатлари орасидаги тафовутни ЯИМнинг 3 фоизидан оширмаслигини талаб этади. Аммо греклар бу қоидага ҳар доим ҳам амал қилавермадилар. Кейинги 20 йилда фақат бир марта, яъни 2006 йили ана шу мезъор сақланишига эришилди. Қолган йилларда тафовут кутилганидан ҳам катта бўлди. Масалан, 2004 йили бу кўрсаткич 7, 2009-2010 йиллар 13 фоизни ташкил этди. Ҳатто 2004 йилги Афина Олимпиадаси ҳам юнонларга наф келтирмади. Аслида ушбу ўйинлар инфратузилмалар қурилиши ҳисобига иқтисодий ўсишни яқин истиқболда рағбатлантирган бўлиши мумкин, аммо кичик бир ўлкада Олимпиада ўтказилиши ўта харажатли ва номақбул бўлгани боис бюджетда улкан кемтик ҳосил бўлишига олиб келди. Таъ-

га тўғри келмоқда. Бундан ташқари, Грециянинг бошқа сурункали қарздорлар, масалан, Япониядан умуман фарқланишини ёддан чиқармаслик керак. Гарчи кунчиқар мамлакатнинг давлат қарзлари иккита ЯИМга яқинлашиб қолган бўлса-да, у ташқи кредит бозорларидан деярли мустақилдир. Яъни ташқи қарздорлик юки катта эмас.

Греция эса, аксинча, ташқи омиллаларга бўйсунушига мажбур. Хабарингиз бор: жорий глобал инқироз бу факторларнинг беқарорлигини ҳам намойиш этмоқда. Масалан, 2000 йилларда Греция ҳамда Европанинг энг барқарор мамлакати облигацияларининг фоиз ставкаларидаги тафовут 0,54 пунктни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 2,36 пунктга етган. Бу қадар улкан фарқ сармоядорларнинг ҳам мамлакат молиявий аҳволидан ўта хавотирда эканини тасдиқлаб турибди.

Эксперт доираларда давлат дефолти эҳтимоли тўғрисида гап-сўзлар кўпайиши вазият тобора боши берк кўчага кириб қолаётганидан ҳам далолат берапти. Citigroup иқтисодчиси Виллем Буйтер (Willem Buiter)нинг сўзларига қараганда, ЕИнинг ҳозирги худудида 1948 йилдан буён илк бор дефолт юз бериши эҳтимоли яқинлашиб келапти.

— Греция учун мавҳумлик даври бошланди, — дейди мутахассис. — Аммо ҳукумат оммани тинчлантириш мақсадида дефолт эҳтимолини рад этиб келмоқда. Айни пайтда Ирландия ҳам беқарор молиявий аҳволга тушиб қолгани, Испания қарзи жадаллик билан ўсиб бораётгани шундай ҳулосага асос бўлиши мумкин. ЕИ раҳбариятининг Греция молиявий инқирозини бартараф этишга жон-жаҳди билан киришгани боиси ҳам аслида шундадир. Акс ҳолда, аста-секинлик билан бўлса-да, ягона валютага бўлган ишончга путур етади. Бусиз ҳам Грециянинг евро-ни сақлаб қолиш ёки миллий валютага ўтиш тўғрисидаги масалани референдумга олиб чиқиш устида бош қоти-



раётгани Европа ягона валютаси келажакни хавф остига қўймоқда.

Айтиш жоизки, шу кунларда катта еттилик аъзоси бўлган Италиянинг аҳволи ҳам ҳавас қиларли даражада эмас. Standard & Poor's (S & P) молия компанияси Италиянинг кредит рейтингини бир поғона, яъни А+ дан А даражасига туширгани фикримизга мисол бўлиши мумкин. Бу Европа Иттифоқи ҳамда евроҳудуд мамлакатлари учун давлат қарзлари билан боғлиқ тангликни ҳал этиш масаласини янада мушкуллаштиради. S & P эълон қилган баёнотда Италиянинг рейтингини янада туширилиши мумкинлиги унинг яқин келажакдаги аҳволи анчайин жиддий эканлигини далолатдир.

Италиянинг евроҳудудда иқтисоди катталиги бўйича учинчи ўринда турувчи мамлакат экани ҳисобга олинса, бундай салбий баҳо иқтисодий макондаги шундоқ ҳам

аянчли аҳволни янада кескинлаштириши эҳтимолидан ҳоли эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, бу галги «глобал яра»га жаҳон оммавий ахборот воситалари бежиз бунчалар жиддий эътибор қаратмаяптилар. Агар 1995 йил Мексикада, 1998 йил Жануби-шарқий Осиёда кузатишган тангликдан ривожланган давлатлар у қадар кўп зиён кўрмаган бўлсалар, бу сафар, аксинча, инқироз бақувват давлатларда бошланиб, Ер юзининг бошқа худудларига ёйилди. Акциялар бозорининг бўҳронга юз тутиши, уй-жой бозорининг касодга учрагани, савдо-сотикнинг сусайиши ва иқтисодий тараққиётнинг пайсаношидан деярли ҳеч ким четда қолмади. Айниқса, қашшоқ давлатлар бундан кўпроқ азият чекидилар. Инқироз даврида ривожланаётган давлатлар томонидан уларга берилаётган маблағнинг ва маҳсулот сотишдан

олинадиган даромадларнинг кескин пасайиши мавжуд вазиятни баттар чигаллаштирди.


Натижада инқироз учун бир неча триллион доллар миқдоридеги маблағ ажратилди. Ҳисоб-китобларга кўра, дунёнинг қудратли давлатлари вазиятдан чиқиш учун киши бошига шу пайтгача 10 минг АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганлар.

Шу ўринда Болтиқбўйи давлатлари — Латвия, Литва ва Эстония иқтисодиёти тангликдан ҳаммадан кўра кўпроқ зарар кўрганини айтиш жоиз. Яқиндагина ўз кўрсаткичлари билан собиқ иттифоқ мамлакатларини лол қолдирган ушбу давлатларнинг бугунги аҳволи уларнинг ҳамкорларини ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан Ғарб матбуоти «Болтиқ йўлбарси» жарлик томон сақраб, қулашда давом этмоқда, дея бежиз бонг урмаган кўринади. Агар

Латвиядаги ички иқтисодий таназзулга эътибор қаратсак, ишсизлик бир йил ичида 16 фоизга етгани аён бўлади. Ана шундай бир пайтда ҳукумат ўнгу сўлига қарамай ўз харажатларини қисқартиришга киришди. Ваҳоланки, 2009 йилгача ўқитувчилар ва шифокорлар маошларининг 20-30 фоиз оширилиши одатий ҳолга айланган эди.


Тахлилчиларнинг ҳулосаларига кўра, истиқболда танглик жараёни янада кескинлаштириши мумкин. Кузатувчилар фикрича, аҳоли омонатларини кафолатлаш, экспорт-фоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга турли имтиёз ва кредитлар бериш каби чораларга асосий эътиборни қаратган мамлакатимиз иқтисодиёти глобал инқироздан деярли талафотсиз чиқди. Бу эса халқаро саҳнада Ўзбекистон ва унинг иқтисодиётига нисбатан ишонччи янада кучайтирмоқда.

### Jaguar ва Land Rover ягона оила



Дунёнинг энг машҳур компаниялари Jaguar ва Land Rover Буюк Британияда мотор ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона очишни режалаштирмоқда. Агар у ишга тушса, 4 цилиндрли тежамкор двигателларни йиғиш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, Вулвергемптон шаҳри аҳолисининг 750 нафари иш билан ҳам таъминланади. Тахлилчилар қурилиш ишларига тахминан 556 млн. АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилаётганини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, икки гигант компаниянинг узок муддатга мўлжалланган бу режаси тезкор ривожланаётган техника оламида яна бир мустаҳкам оилани вужудга келтиришга хизмат қилади.

### «Йўқ одамлар» ҳақида далил йўқ



Прокурор Франциянинг собиқ президенти Жак Ширакка нисбатан қўзғатилган жиноят ишини кўраётган суддан уни оқлашларини сўради. У, шунингдек, айбланувчи сифатида сўроқ қилинаётган тўққиз нафар шахсга нисбатан ҳам худди шундай қарор қабул қилишни таклиф этмоқда. Прокурорнинг маълум қилишича, Ширак ўз партиясига қўшимча даромад келтириш мақсадида Париж мэри вазифасида ишлаётган кезларида бир неча «йўқ одамларни» ишга қабул қилганини тасдиқловчи ҳеч қандай далил аниқланмаган. Эслатиб ўтамиз, Жак Ширак 1977-1995 йилларда Париж мэри лавозимида фаолият кўрсатган.

### Олтин автомобиль



Заргарлик дўконлари тизими Goldplus Ҳиндистонда заргарлик буюмлар чиқарила бошланганининг 5 минг йиллигини нишонлаш мақсадида олтин билан безатилган автомобиль яратди. Айни пайтда 22 каратли 80 кг. олтин, 15 кг. кумуш, шунингдек, ёқут, зумрад, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар ишлатилган автомобиль нархи 4,5 млн. доллардан юқори баҳоланмоқда. Аммо ана шу қимматбаҳо уловда сайр қилишининг имкони йўқ. Чунки у фақат шоу-дастурларда намойиш этиш учун мўлжалланган, холос.



### Вадах Ханфар кечирилмади

Хабарларга қараганда, «Ал-Жазира»нинг бош муҳаррири Вадах Ханфар ўз лавозимидан озод этилган. У ушбу лавозимда 8 йилдан бери фаолият юритаётган эди. Маълумотларга қараганда, Ханфар «Ал-Жазира» телеканалининг веб-сайти маълумотларини америкаликлар таклифига биноан алмаштиргани учун истеъфога чиқарилган.



## 2:0 ҳисоби жамоамизни Лондонга яқинлаштирди

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2012 йил Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинлари саралаш баҳслари доирасида Ироқ терма жамоасига қарши майдонга тушиб, муҳим ғалабани қўлга киритди

Шухрат ХҲАЕВ,  
«XXI ASR»

Тошкентдаги «Жар» стадионида ташкил этилган учрашувдаги ҳисоб 71-дақиқада «Пахтакор» клуби аъзоси Темурхўжа Абдухаликов томонидан очилган бўлса, 78-дақиқада «Насаф» ҳужумчиси Кенжа Тўраевнинг зарбасидан сўнг 2:0 га етказилди.

Учрашувнинг биринчи бўлимида ҳар икки жамоа вакиллари рақиб жарима майдони яқинида бир қанча хавфли вазиятларни ташкил этган бўлсалар-да, дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди.

Иккинчи тайминг дастлабки дақиқаларида ўзбекистонлик футболчилар тезкор ҳужумлар уюштирган ҳолда ироқлик ҳимоячиларни шошириб қўйдилар. Бироқ ҳамюртларимиз сафида мазкур «рейд»ларни самарали яқунловчи футболчининг йўқлиги яққол сезилиб қолди. Ана шуни ҳисобга олган Вадим Абрамов ўзгартиришлар амалга оширишга қарор қилди. Аҳамиятисиз, кўп

ўтмай айнан захирадан майдонга тушган икки футболчи — Дилшод Раҳматуллаев ва Кенжа Тўраев рақиб дарвозаси олдида кескин ҳужумлар уюштиришга бошладилар. Жумладан, 70-дақиқада «Олмалик» яримҳимоячиси Д.Раҳматуллаев томонидан бошлаб берилган ҳужумни давом эттирган Кенжа Тўраев кулай вазиятда турган Т.Абдухаликовга оширди. Ёш «пахтакорчи» эса имкониятдан унумли фойдаланиб, дарвозанинг узоқ бурчагини нишонга олди. 7 дақиқадан сўнг яна ўша Д.Раҳматуллаев томонидан ажойиб тарзда етказиб берилган тўпни қабул қилиб олган Темурхўжа дубль муаллифи бўлиши мумкин эди. Бироқ унинг зарбаси рақиб ҳимоячисига тегиб, Кенжа Тўраевга келиб тушди. «Насаф» вакили дарвозабонга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Ўйиннинг сўнги дақиқаларида ҳисоб йириклашишига бери баҳя қолди: рақиб посбони билан яқнама-яқна вазиятга чиққан жамоа сардори Фозил Мусаев зарбасига аниқлик етишмади. Шу ўринда ҳамюртларимиз

сингари «С» гуруҳдан ўрин олган Австралия ва БАА терма жамоалари иштирокида ўтган ўйин 0:0 ҳисобида яқунланганини айтиш лозим. Натҳажда биринчи турдан сўнг Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси 3 очко билан гуруҳ пешқадамлигини қўлга киритди.

Эслатиб ўтиш жоиз: Осиё Футбол конфедерациясининг 12 та терма жамоаси 3 та гуруҳга бўлинган ҳолда Лондон мусобақасининг 3,5 та лицензияси учун кураш олиб борди. Ана шу «тўртликлар»да энг яхши натижа қайд этган 3 та омадли жамоа ХХХ Олимпия ўйинларида тўғридан тўғри йўл олса, иккинчи ўринларни банд этган термалар бетараф ҳудудда Ўзаро бахшлашадилар. Айнан ана шу беллашувларнинг ғолиби Африка қитъаси вакили билан ўтказиладиган ҳал қилувчи ўйинда сўнги «чипта»ни қўлга киритиш имконига эга бўлади.

Олимпиячиларимиз навбатдаги учрашувни 23 ноябрь кuni Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши ўтказадилар.

## «Тутунли захар»га йўл йўқ

Андижон вилояти, Пахтаобод туманининг кўшни давлат билан чегара ҳудудида 2,1 млн. сўмлик 2000 минг қути сигарета мусодара этилди. Шу туманнинг «Маданият» қишлоғидаги чегарадош ҳудудда ҳаракатланаётган «Матиз» автоулови текширилганда, божхона расмийлаштируви ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган минг қути тамаки мамлакатимизга ноқонуний олиб ўтилаётгани маълум бўлди. Қирғизистонда ишлаб чиқарилган ва мазкур давлат акциз маркази ёпиштирилган маҳсулот фуқаро М. Севералиевга тегишли экан.

Наманган вилояти божхона ходимларининг алоҳида жонбозлиги туфайли эса Қамчиқ доvonида ҳаракатланаётган «Lasetti» автомашинасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетилаётган қиймати 4 млн. сўмлик 2000 минг қути тамаки мусодара қилинди. «Тутунли захар»нинг яширин савдоси билан шуғулланаётган Фаргона туманилик Т.Султонованинг хонадони кўздан кечирилганда эса 3,3 млн. сўмлик фильтри сигареталар сақланаётганлиги аён бўлди.

Айни пайтда мазкур қонунбузарликлар бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Акбар МУЗАФФАРОВ  
тайёрлади.

Шу ҳафтада энг иссиқ об-ҳаво Дубайда (Бирлашган Араб Амирликлари) +34 даража, энг паст ҳарорат эса Самарада (Россия) +3 даража илик бўлиши кутилмоқда. Мамлакатимизда ҳам куз фаслининг биринчи ойининг сўнги ҳафталарида ҳарорат пасайиши кузатилди. Аммо кейинги ҳафтанинг бошидан ҳаво ҳароратининг бироз кўтарилиши кутилмоқда. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 22-29 сентябрь кунлари мамлакатимизда ёгингарчилик кутилмайди.

Қорақалпоғистон

Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турса-да, ёмғир ёғмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 9-14, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ёгингарчилик кутилмайди. Термометр кўрсаткичлари кечаси 12-17, кундузи 23-28 даражани қайд этади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 12-17, кундузи 25-30 даражани қайд этади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво бироз булутли бўлади. Ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 12-17, кундузи 23-28 даражани қайд этади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб турса-да, ёгингарчилик кутилмайди. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 6-11, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.



## Ишонч 90 фоиздан юқори

Бугун ҳар биримиз ОАВ орқали эълон қилинаётган об-ҳаво маълумотларини қизиқиб кузатамиз. Қундалик ишларимизни ана шу хабарларга таяниб режалаштиришга ҳаракат қиламиз

Ўз мухбиримиз

Хўш, мазкур маълумотлар қай тарзда тайёрланади? Мухбиримиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази мутахассиси Фотима Қосимовага ана шу савол билан муурожаат қилди.

— Ҳаво ҳароратининг неча даража бўлишини олдиндан айтиш жуда мураккаб жараён. Марказимизда ушбу маълумотлар синоптик ва гидродинамик усуллар ёрдамида, яъни Ер қуррагининг маълум ҳудудларида қандай об-ҳаво шaroити кузатилаётгани ҳамда атмосферанинг маълум баландликларида ҳаво оқимларининг ҳолати бўйича таҳлил қилинади. Умуман олганда, тўғри башорат қилиш учун жуда катта ҳажмдаги маълумотларни йиғишга тўғри келади. Айтиш мумкин, «Ўзгидромет»нинг махсус бўлимларида мамлакатимизнинг бир неча метеостанцияларида бир кеча-

кундузда 8 марта, яъни ҳар 3 соатда олинган кўрсаткичлар қабул қилинади. Бундан ташқари, шимолий ярим шарда жойлашган мамлакатларда қайд этилган об-ҳавога оид ахборотлар, шунингдек, халқаро келишувларга асосан Европанинг ривожланган ахборот марказларидан олинган маълумотлардан консултация мақсадида фойдаланилади. Йиғилган маълумотлар буйича синоптик ва прогностик ҳариталар тузилади ва шундан кейингина об-ҳаво маълумоти тайёрланади.

— Марказ фаолият кўрсата бошлаганидан буён Тошкентда ёзнинг рекорд даражадаги энг юқори ва паст ҳарорати қачон қайд этилган? Жорий йил ёзида энг юқори ҳарорат неча даражани ташкил этди?

— Маълумки, Тошкент шаҳрида илк метеорологик кузатишлар 1867 йилнинг декабридан бошлаб олиб борилган. Пойтахтимиз учун ёз мавсумидаги энг юқори, яъни максимум кундузги ҳаво ҳарорати 1997 йилнинг июль ойида кузатилган бўлиб, ўша вақтда

иссиқлик Цельсий бўйича 44,6 даражани ташкил этган. Ёзнинг энг паст ҳарорати эса 1924 йилнинг июнь ойида қайд этилиб, ҳарорат кечаси 3,8°С даражага тушиб кетган. Жорий йилнинг энг иссиқ кунлари эса август ойининг биринчи ҳафтасига тўғри келди. Хусусан, 3 август кuni Цельсий бўйича 42,5 даражани ташкил этди. Шу ўринда 2011 йилнинг 3 августидан пойтахтимизда ўзига хос рекорд ўрнатилгани, яъни 2008 йилнинг 3 августидан кузатилган абсолют максимум қиймат — 41,3°С дан 1,2 даража юқори бўлганини айтиш мумкин.

— «Ўзгидромет» томонидан тайёрланган об-ҳаво прогнозларининг «рўёбга чиқиш коэффициентини» неча фоизга тенг?

— Қисқа, яъни жорий ва кейинги кун учун, шунингдек, 2-5 кунлик мuddат учун чиқариладиган об-ҳаво прогнозларининг тўғри чиқиши қиш ва баҳор фаслларида 90-92, ёз ва кузда эса 94-96 фоизни ташкил этади. Фавқулodда огоҳлантиришларнинг ўртача самарадорлиги 96 фоизга тенг.



# Називин

для носов и носиков

NYCOMED

**Показания**

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационное удостоверение П-9-242 №00432; 5-280-08 №06196  
Отпускается без рецепта врача  
Совместимость с инструментами  
Нельзя применять одновременно  
Глобд временем проконсультироваться с врачом  
Мерк КГА Германия для Никомед  
Товар сертифицирован

Новый дизайн упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии